

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ
ҚАРОРИ

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР
ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТУМАН КЕНГАШЛАРИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ
ОКРУГ ВА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ
ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ
ВАЗИФАЛАРИ, САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ САМАРАЛИ
ТАШКИЛ ЭТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН
ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5-моддаси, “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддаси, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9-моддасига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2017 йил 30 июнда қабул қилинган “Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги 835-сон қарори иловасининг 6, 32 - бандларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловни юксак демократик савияда ўтказиш, фуқаролар, сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов жараёнларида эркин ва фаол иштирок этишини, уларнинг конституциявий сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишлари учун зарур шарт-шароитларни яратиш ҳамда сайловни конституция ва сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига, халқаро нормалар ва стандартларга тўлиқ риоя қилган ҳолда ўтказилишини таъминлаш мақсадида етакчи олимлар, мутахассислар, экспертлар ва амалиётчилар иштирокида сайловчиларнинг ва халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш бўйича Тошкент шаҳар аҳолиси ҳамда округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари ўртасида тарғибот ва тушунтириш, давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқа тадбирлар икки йўналишда ташкил қилинсин.

2. Сайловчиларнинг ҳамда округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг долзарб вазифалари,

сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш бўйича тадбирлар дастури ва ўтказиш жадвали иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Марказий сайлов комиссияси Котибияти томонидан ишлаб чиқилган сайловчиларнинг ҳамда округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг долзарб вазифалари, сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этиш бўйича тадбирлар концепцияси маъқуллансин.

4. Белгилаб қўйилсинки, тадбирларда қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги ва “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг мазмун-моҳияти;

– сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш;

– фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари;

– Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловлар давомида тажриба тариқасида ҳуқуқий эксперимент сифатида Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ахборот тизимини шакллантириш, юритиш ва ундан фойдаланиш тартиби;

– сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш масалалари;

– Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида очиклик ва ошкораликни таъминлаш;

– овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонуний тизимни тушунтириш ва бошқа масалалар.

5. Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимликлари ҳамда Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси:

– тадбирларни белгиланган жадвал асосида уюшқоқлик билан ўтказилишида тегишли бино ва транспорт воситалари билан ҳамда иштирокчиларнинг хавфсизлигини таъминлаш масаласида амалий ёрдам кўрсатсинлар (иловадаги жадвалга мувофиқ тегишли ўзгартириш киритиб, туманлардаги барча ҳудудларни қамраб олиш чораларини кўриш, ўтказиладиган тадбирларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида иштирокчилар сони 100 (юз) ёки 150 (юз эллик) кишидан ошмаслиги инобатга олиш).

6. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “Toshkent” телеканали ва “Тошкент оқшоми” – “Вечерний Ташкент” газеталари сайловчиларнинг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришнинг долзарб вазифалари бўйича кўрсатувлар, туркум мақолалар ташкил этсинлар

ва Тошкент шаҳар аҳолиси ўртасида ўтказиладиган тадбирларни кенг ёритсинлар. Шунингдек, “Toshkent” телеканали орқали халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатидан фойдаланиш тартиби ҳамда овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёни каби сайлов қонунчилигининг нормаларини тарғибот этувчи видео роликлар тайёрлаш ва намойиш этишни таъминласинлар.

7. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида, шунингдек бошқа манбаларда эълон қилинсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари К. Адилов, Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини ёритиш бўйича ягона матбуот маркази раҳбари Ж. Наханов ҳамда туман сайлов комиссиялари раислари зиммасига юклансин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси

М. Абдусаломов

*Тошкент шаҳри,
2017 йил 1 декабрь,
№ 857.*

САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҲАМДА ОКРУГ ВА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ, САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР

К О Н Ц Е П Ц И Я С И

Сайловлар халқ хоҳиш-иродасини ифода этадиган, мамлакат сиёсий тараққиётига фаол таъсир этиш воситасидир. Демократик принциплар асосида ўтказиладиган сайловлар Тошкент аҳолисининг давлат ҳокимияти вакиллик органларини шакллантиришда иштирокини таъминлайди. Сайловлар орқали фуқароларнинг орзу-интилишлари, олиб борилаётган сиёсатга муносабати аниқланади, фикрлар хилма-хиллиги намоён бўлади. Таъкидлаш жоизки, ҳар қандай сайлов жараёнлари конституция ва қонунларнинг умумий ҳамда сайлов жараёнларига бевосита тааллуқли бўлган махсус принцип ва нормаларга таянади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўра фуқаролар умумий, тенг, тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи, ўз хоҳиш – иродаларини эркин билдириш ва яширин овоз бериш принципларига асосан сайловни амалга оширадилар. Мазкур принципларни амалга оширилишининг ҳуқуқий механизмлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида эътироф этилган ва у фуқароларнинг давлат бошқарувида бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш имкониятини яратишга қаратилгандир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 117-моддасида эса давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларининг белгилаб қуйилганлиги, фуқароларнинг давлат ҳокимиятини шакллантиришда иштирокини таъминлайди. Давлат ҳокимияти органларини демократик тарзда ташкил этишдаги фуқароларнинг иштироки сайловлар, референдумлар ва бошқа қонунда назарда тутилган воситалар орқали амалга оширилади - дейилган. Сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказишда Конституция ва қонунларимизнинг сайлов ҳуқуқига оид норма ва принципларининг ўрни ва аҳамияти бекиёс. Чунки, ушбу нормалар сайловларнинг умумэътироф этилган моҳияти ва тартиб-қоидаларини ўзида мужассам этади. Конституция ва қонунларимизда сайлов ўтказишнинг асосий демократик принциплари ўз аксини топганлиги, ўз навбатида асосий конституциявий принциплардан бири бўлган “халқ ҳокимиятчилиги”нинг амалда чуқур тадбиқ этилишининг ҳуқуқий кафолати ҳисобланади.

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги ҳамда “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ, Марказий сайлов комиссияси “Тошкент шаҳрида халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов

ўтказиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар дастури”дан келиб чиқиб сайловчиларнинг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайловга оид ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш мақсадида Тошкент шаҳар аҳолиси ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолар ўртасида жойларда семинарлар икки йўналишда, яъни 2017 йил 4-22 декабрь кунлари аҳоли ўртасида, ва 2017 йил 11-23 декабрь кунлари халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссияларининг барча аъзолар учун тарғибот ва тушунтириш, давра суҳбатлари, семинарлар ўтказилиши режалаштирилган.

Ушбу тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси депутатлари, етакчи олимлар, мутахассислар, экспертлар ва амалиётчилар иштирокида Тошкент шаҳар аҳолиси ўртасида шунингдек, округ ва участка сайлов комиссияларининг барча аъзолар учун жойларда тарғибот ва тушунтириш, давра суҳбатлари, семинарлар ташкил этилади.

ТАДБИРЛАРНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ:

Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловида ўз конституциявий ҳуқуқларини намоён этадиган сайловчиларнинг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш ва сайлов қонунчилиги, сайлов тизими, фуқаролар ҳуқуқи ва кафолатлари ҳақида билимларини ошириш ҳамда округ ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишдан иборат.

ТАДБИРЛАРНИ ЎТКАЗИШ САНАСИ ВА ЖОЙИ:

Биринчи йўналиш 2017 йил 4-22 декабрь кунлари, иккинчи йўналиш 2017 йил 11-23 декабрь кунлари Тошкент шаҳрининг маҳалла гузарлари, ташкилотлар, муассасалар, олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактаблари биноларида ўтказилади.

ТАШКИЛОТЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатаси, барча турдаги сайлов комиссиялари, адлия вазирлиги, олий таълим вазирлиги, Давлат бошқарув академияси, Республика маънавият ва маърифат маркази, “Маҳалла” жамоат фонди, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Хотин-қизлар қўмитаси, Оммавий ахборот воситалари

СЕМИНАР ИШТИРОКЧИЛАРИ:

1. Тошкент шаҳар ва туман сайлов комиссиялари аъзолари.
2. Округ сайлов комиссияси аъзолари.
3. Ҳудудий матбуот маркази раҳбари.
4. Ҳудудий адлия ва молия бошқармалари раҳбарлари.
5. Халқ таълими ва касб-хунар таълими бошқармалари раҳбарлари.
6. Соғлиқни сақлаш ва СЭС бошқармалари раҳбарлари.
7. Олий таълим муассасалари раҳбарлари.
8. ФЖШМҚМИ ҳудудий бўлими раҳбарлари ва ходимлари.
9. “Маҳалла”, “Нуроний” жамғармалари Тошкент шаҳар бўлими вакиллари.
10. Ҳудудий хотин-қизлар қўмитаси раислари.
11. Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи бўлимлари вакиллари.
12. Маънавият ва маърифат маркази ҳудудий бўлими ходимлари.
13. Ҳудудий касаба уюшмалари ташкилотлари ходимлари.
14. Оммавий ахборот воситалари вакиллари.
15. Ҳудудий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари.
16. Тошкент шаҳридаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари
17. Халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари аъзолари.
18. Халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи участка сайлов комиссиялари аъзолари.

ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАДБИРЛАРДАН КУТИЛАЁТГАН НАТИЖАЛАР:

- Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловида аҳолининг ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларининг ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш ва сайлов маданияти ошириш;

- халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари ишини самарали ташкил этишга эришиш;

- Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловлар давомида сайловчиларга ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати дастуридан фойдаланишни ўргатиш;

- фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари ҳақида аҳолига ҳамда халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи округ ва участка сайлов комиссиялари аъзоларига тушунтириш бериш;

- сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш масалаларини очиқ бериш;

- “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги ва “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари ҳақида тушунтиришлар бериш;

- овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонуний тизимни тушунтириш масалалари;

- сайлов кампаниясининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашда ОАВнинг ва фуқаролик жамияти институтларининг роли ва ўрни ҳақида тушунтириш бериш.

Пировард натижада сайлов иштирокчиларининг ўз конституциявий ҳуқуқларидан тўғри фойдаланиб, сайловларда фаол иштирок этишига, ватан равнақи учун дахлдорлик ҳиссини кўчайтиришга эришиш.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий сайлов комиссиясининг
2017 йил 1 декабрдаги 857-сон
қарорига 1-илова

**САЙЛОВЧИЛАРНИНГ ҲАМДА ОКРУГ ВА УЧАСТКА САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИ АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ
ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ, САЙЛОВ
КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА
ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР
ДАСТУРИ**

*2017 йил 4-23 декабрь кунлари Тошкент шаҳрининг маҳалла гузарлари,
ташкilotлар, муассасалар, олий ўқув юртлари, академик лицей ва касб-хунар
колежлари ҳамда умумтаълим мактаблари биноларида*

9.30-10.00	Семинар иштирокчиларини рўйхатга олиш
Тадбирнинг очилиши	
10.00-10.20	Кириш сўзи <i>Халқ депутатлари туман Кенгашига сайлов ўтказувчи туман сайлов комиссияси раиси</i>
10.20-10.40	“Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги ва “Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларининг мазмун-моҳияти ҳақида <i>Эксперт</i>
10.40-11.00	Халқ депутатлари туман Кенгашларига сайлов ўтказувчи барча турдаги сайлов комиссияларининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида <i>Эксперт</i>
11.00-11.20	Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида <i>Эксперт</i>
11.20-11.40	Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашларига сайловлар давонида тажриба тартибида ҳуқуқий эксперимент сифатида сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати ахборот тизимини шакллантириш ва юритиш тўғрисида <i>Эксперт</i>
11.40-12.00	Сайлов жараёнида қонунийликни таъминлаш масалалари ҳақида <i>Ҳудудий Адлия бошқармаси бошлиғи</i>
12.00-12.20	Тошкент шаҳар халқ депутатлари туман Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида очиқлик ва ошкораликни таъминлашда ОАВнинг роли ҳақида <i>Эксперт</i>
12.20-12.40	Овоз бериш (муддатидан олдин овоз бериш) жараёнини қандай ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонуний тизимни тушунтириш масалалари ҳақида <i>Эксперт</i>
12.40-13.00	<i>Мунозара, савол – жавоблар</i>
13:00	Тадбирни якунлаш

**ТОШКЕНТ ШАҲАР САЙЛОВЧИЛАРИНИНГ ҲАМДА ОКРУГ ВА УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ
АЪЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ЯНАДА ЮКСАЛТИРИШНИНГ ДОЛЗАРЪ ВАЗИФАЛАРИ,
САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ ИШИНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАДБИРЛАР
Ж А Д В А Л И**

№	Туманлар	Муддати	Маърузачилар	Масъуллар
1.	Бектемир тумани	Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.	Х. Мусирманкулова – Бектемир туман сайлов комиссияси раиси А. Назиркулов - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Х. Кличев - Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими М. Ниёзов - Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Р. Саибназарова - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари К. Алимджанова - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари С. Ибрагимов - “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази етакчи мутахассиси	С.Артикова – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати раисининг ўринбосари Д.Худаёров – туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари
2.	Мирзо - Улуғбек тумани	Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й.	А. Магруппов – Мирзо Улуғбек туман сайлов комиссияси раиси И. Зокиров - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А. Сафаев - Тошкент шаҳар адлия бошқармаси бошлиғи О. Турғунов - Ўзбекистон Республикаси	М.Абдусаломов – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Б.Джураев –

		Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.	Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси бўлим бошлиғи Х. Октамов - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари Ф. Душабоев - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари А. Ғуломов - “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази 1-тоифали мутахассиси	туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари
3.	Миробод тумани	Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.	А. Хидоят – Миробод туман сайлов комиссияси раиси А. Умирзаков - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты А. Хатамов - Адлия вазирлиги етакчи маслаҳатчиси Ш. Файзиев – Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази “Давлат ҳуқуқий фанлар” кафедраси профессори М. Батиров - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари Х. Хусанов - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари А. Шазимов - “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази 1-тоифали мутахассиси	Ш.Турдикулов – Тошкент шаҳар хокимининг ўринбосари М.Раҳимбердиева – туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари
4.	Олмазор тумани	Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й.	С. Турабджанов – Олмазор туман сайлов комиссияси раиси Ш. Кулматов - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Т. Турсунов - Адлия вазирлиги қошидаги юристлар малакасини ошириш маркази ўқитувчиси Б. Нариманов - Тошкент давлат юридик	И.Бердибеков - Тошкент шаҳар ҳоқимлиги Ташкилий- назорат гуруҳи раҳбари С.Саидов – туман ҳокимлиги

		Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.	университети ўқитувчиси Х. Вапаев - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари М. Алибаева - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари М. Ҳайдаров - “Электрон ҳукумат” тизимини ривожлантириш маркази 1-тоифали мутахассиси	Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари
5.	Сергели тумани	Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.	М. Саидикрамова - Сергели туман сайлов комиссияси раиси Б. Обиджонов - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты А. Ҳакимова - Адлия вазирлиги катта маслаҳатчиси Ш. Рўзиназаров - Тошкент давлат юридик университети профессори И. Хидиров - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси Ф. Турсунов - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари О. Бахтиев – “UZINFOCOM” Маркази бўлим бошлиғи	К.Адилов – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Ж.Худоёров – туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари
6.	Учтепа тумани	Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й. Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.	Ғ. Рахимов – Учтепа туман сайлов комиссияси раиси М. Хусанова - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ж. Сирожев - Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ходими Ф. Самиғжонов - Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Ғ. Шамсиев - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси	Т.Ширинов – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси Ш.Асимов – туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари

			<p>К. Муминов - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари Т. Асатов – “UZINFOCOM” Маркази етакчи мутахассиси</p>	
7.	Чилонзор тумани	<p>Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й.</p> <p>Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.</p>	<p>М. Камилов – Чилонзор туман сайлов комиссияси раиси А. Умаралиев - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Ф. Тожиев - Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими Ш. Хайитов - Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Х. Нормуратов - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси М. Бойсариев - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари Ж. Азимов – “UZINFOCOM” Маркази 1-тоифали мутахассиси</p>	<p>С.Курбанкулов – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси котиби</p> <p>А.Нарматов – туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари</p>
8.	Шайхонтохур тумани	<p>Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й.</p> <p>Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.</p>	<p>Ш. Муталов – Шайхонтохур туман сайлов комиссияси раиси З. Султонов - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты Х. Мухамедов - Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Г. Исмоилова – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедраси доценти Ж. Шарипов - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси Б. Арабов - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари</p>	<p>О.Абдуназаров – Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси доимий асосда ишловчи аъзоси</p> <p>Р.Курбонوف – туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари</p>

			Б. Илясов – “UZINFOCOM” Маркази 1-тоифали мутахассиси	
9.	Юнусобод тумани	<p>Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й.</p> <p>Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.</p>	<p>Т. Тешабаев – Юнусобод туман сайлов комиссияси раиси</p> <p>Қ. Носиров - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты</p> <p>А. Бердиев – Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси етакчи маслаҳатчиси</p> <p>Г. Маликова – Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси кафедраси мудири</p> <p>Т. Киргизбаев - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси</p> <p>А. Махкамов - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари</p> <p>А. Тухтамуратов - «UNICON.UZ» ДУК техниги</p>	<p>М.Истамов – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари</p> <p>Ж.Набиев – туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари</p>
10.	Яккасарой тумани	<p>Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й.</p> <p>Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.</p>	<p>С. Юнусов – Яккасарой туман сайлов комиссияси раиси</p> <p>Ф. Қуватов - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты</p> <p>А. Худойкулов - Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими</p> <p>А. Тожибоев - Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси</p> <p>Қ. Хусанов - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси ўринбосари</p> <p>Б. Юсупов - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари</p> <p>Ш. Собиров - «UNICON.UZ» ДУК техниги</p>	<p>Ш.Сирожиддинов– Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси аъзоси</p> <p>И.Алимов – туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари</p>

11.	Яшнобод тумани	<p>Аҳоли ўртасида 04.12.17-22.12.17 й.</p> <p>Округ ва участка сайлов комиссиялари аъзолари учун 04.12.17-23.12.17 й.</p>	<p>Ж. Ризаев – Яшнобод туман сайлов комиссияси раиси У. Саматов - Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш. Эргашов - Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ходими Ш. Асадов - Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси доценти Р. Тураев - Туман “Маҳалла” хайрия жамоат фонди раиси Н. Хаитова - Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлинмаси раҳбари А. Юсупов - «UNICON.UZ» ДУК 2-тоифали муҳандиси</p>	<p>Е.Каньязов – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазири ўринбосари, Тошкент Давлат юридик университети ректори</p> <p>Б.Илханов – туман ҳокимлиги Ташкилий-назорат гуруҳи раҳбари</p>
-----	-----------------------	---	--	--

Изоҳ: Жадвалдаги тадбирлар ўтказилиши санаси Марказий сайлов комиссияси билан келишилган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.